O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
Toshkent viloyati

Olmaliq shahar
HOKIMI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
Ташкентская область

ХОКИМ
г.Алмалыка

110100, Olmaliq sh., A.Temur ko`chasi, 47

тел.: 61-4-22-02

Q A R O R
ҚАРОР

№ 534 "26" 09 2017 y.

Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2018 йил учун банд қилиб қўйиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6-сон, 97-модда) 17-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й, 29-30- сон, 277-модда; 2010 й, 35-36- сон, 300- модда; 2013 й, 18-сон, 233-модда, 41-сон, 543-модда) 25-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сонли карори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомга асосан ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун шаҳарда 2018 йил учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш мақсадида,

К А Р О Р Қ И Л А М А Н

1. Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунининг 17-моддасига асосан ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун шаҳардаги корхона, ташкилот ва муассасалар учун ходимларнинг рўйхат бўйича ўртача сонидан **1284** кишини ташкил этадиган 3,6 фоиз миқдорида, шу жумладан:

ногиронлар учун 3,0 фоиз- 43 киши;

14 ёшга тўлмаган болалари ва ногирон болалари бор ёлғиз ҳамда кўп болали ота- оналар учун 7,0 фоиз - 89 киши;

таълим муассасаларини тугатган ёшлар учун 7,28 фоиз – 935 киши;

муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилганлар учун 3,9 фоиз – 50 киши;

Бандликка кўмаклашиш марказида иш кидирувчи сифатида хисобда турган пенсия ёшига якинлашиб колган шахслар учун 1,7 фоиз – 20 киши;

жазони ўташ муассасаларидан озод килинган, жазони ўтаётган ёки суд карорига кўра тиббий характердаги мажбурий чоралар кўрилган шахслар учун 4,3 фоиз – 56 киши;

сафарбарлик чақирувчи захирасига киритилган шахслар учун-1,0 фоиз 3 киши;

кичик ёшли болалари бўлган ишламаётган аёллар учун -2,9 фоиз 38 киши;

"Одам савдоси" жабрдийдалари учун-1,0 фоиз-5 киши;

ижтимоий химояга мухтож касалликлар билан огриётганлар ва кам таъминланган оилалар учун-3,5 фоиз-45 киши;

2. 2018 йилда ижтимоий мухофазага мухтож ва иш топишда кийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2018 йил учун банд килиб қўйиш лозим бўлган корхона, ташкилот ва муассасалар рўйхати 1 иловага мувофик тасдиклансин.

3. Корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарларига ижтимоий мухофазага мухтож ва иш топишда кийналаётган шахсларни иш билан таъминлаш учун 2017 йил якунлашидан 10 кун олдин квота иш жойлари умумий миқдорининг камида 25 фоизи учун, 2018 йилнинг 10 апрелидан кечикмай иш жойларининг колган кисми 75 фоизини бирдан этиш (ажратиш ёки банд килиб қўйиш) тўғрисидаги, яъни хар бир квота тоифаси бўйича иш ўринлари банд килиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар, мутахассисликлар кесимидаги маълумотларни ва карор бўйича чикарилган буйрук нусхаларини шаҳар Бандликка кўмаклашиш марказига такдим этиш вазифалари юклатилсин.

4. Иш ўринлари банд килинган корхона ва ташкилотларлар томонидан 2018 йил 1 апрелига қадар банд килинган иш ўринларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 сентябрдаги 263-сонли қарорига асосан белгиланган тартибда аттестациядан ўтказилиши амалга оширилсин.

5. Корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари ижтимоий мухофазага мухтож ва иш топишда кийналаётган шахслар учун иш жойларининг кўрсатиб ўтилган миқдорини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сон карори билан тасдикланган "Ижтимоий мухофазага мухтож ва иш топишда кийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд килиб қўйиш тартиби тўғрисида"ги низомга мувофик белгиланган муддатларда ва тартибда яратилишини (ажратилишини ёки банд килиб қўйилишини) хамда иш жойлари санитария гигиена нормаларига ва ходим ўз мажбуриятларини тўсикларсиз бажаришини таъминлайдиган мехнат шароитларига мувофик бўлишини таъминласинлар.

6. Корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари Бандликка кўмаклашиш маркази йўлланмаси билан юборилган "Ижтимоий мухофазага мухтож ва иш топишда кийналаётган шахслар"ни ишга кабул килишда асосий иш ўринларига ишга кабул килсинлар.

7. Ушбу карор ижроси бажарилмаган такдирда корхона, ташкилот ва муассасаларнинг мансабдор шахсларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сон карори билан тасдикланган "Ижтимоий мухофазага мухтож ва иш топишда кийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд килиб қўйиш тартиби тўғрисида"ги низомнинг 15-бандига мувофик жарима солиниши тўғрисида огохлантирилсин.

8. Шаҳар Бандликка кўмаклашиш маркази (Ф.Бобобеков) бир ҳафта муддатда мазкур қарорни тегишли корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарларига етказсин ҳамда унинг бажарилиши устидан қатъий назоратни таъминлансин.

9. Олмалиқ шаҳар ҳокимининг 2016 йил "26" октябрдаги "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2017 йил учун банд қилиб қўйиш тўғрисида"ги №614-сонли қарори 2017 йил 31 декабрдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

11. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг ўринбосари Н.Қуддусов зиммасига юклатилсин.

Олмалиқ шаҳар ҳокими **М.М.Миркасимов**